

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Пешку туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ф.Икрамов, халқ маслаҳатчилари А.Шодиев ва Ш.Турдиевдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси М.Джумаеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пешку туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Амонов, судланувчи К.Х. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Муродовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбланган К.Х.га оид 1-2001-2402/635-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

**К.Х. /К.Х./** - 1998 йил 23 сентябрь куни Наманган вилояти, Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йил 14 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 82-моддаси тартибида энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари, яъни 651.200 сўм миқдорида жарима жазосига судланган;

**2.** Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2022 йил 13 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари яъни 6.000.000 сўм жарима жазосига судланган, 2023 йил 25 май куни жиноий жаримани тўлиқ тўлаган, 2024 йил 26 май куни судланганлик ҳолати тугалланган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланган, Наманган шаҳар “Шохимардон” 14-тор кўчаси, 1-уйда яшаган, 2024 йил 26 август куни ЖПК 221-моддаси тартибида ушланиб, 2024 йил 27 август куни “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 04 ноябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, тарафларнинг музокара сўзлари, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини эшитиб, суд терговда аниқланган, ўз тасдиғини топган далилларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи К.Х. 2024 йил 25 август куни “Telegram” интернет тармоғининг “GEROizm OPERATOR” номли профили билан боғланиб, дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсдан нақд 8.500.000 сўмга



4 дона скотч ва целлофан бўлакчаларига алоҳида-алоҳида кадоқлаб солинган, Бухоро вилояти ИИБ ЭКБнинг 26.08.2024 йилдаги 357-сонли хулосасига кўра, соф вазни 3,17 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “героин” гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, “GEROizm OPERATOR” кўрсатган жой, яъни Бухоро шаҳар “Пиридастгир” МФЙ, Мустақиллик кўчаси 46/22-уй яқинида жойлашган гаражлар атрофидан топиб олиб, келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб ўзида сақлаб, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини содир этган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи К.Х. айбига қисман иқроп эканлигини билдириб, 2024 йил август ойи бошида ўзининг истеъмоли учун гиёҳвандлик воситаси қидиришни бошлаганлигини ва шу мақсадда ўзини телефонида очилган “Telegram” ижтимоий тармоғида “кайф” номли каналга аъзо бўлиб, ушбу гуруҳга гиёҳвандлик воситаси олиши тўғрисида эълон жойлаштирганлигини, гуруҳ оператори, унга нотаниш шахс хабарнома ёзиб, 6 грамм миқдорида “героин”ни оладиган бўлса, 2 грамм миқдорида кўшиб беришини, бунинг учун 6.500.000 сўм миқдорида тўлов қилиши кераклигини айтганлигини, пластик карта рақамини ташлаб берганлигини, у “GEROizm OPERATOR” номли оператор билан орасидаги мазкур келишувга кўра операторнинг “Bitcoin” платформасидаги ҳисоб рақамига 6.500.000 сўмни ўтказиб берганлигини, шундан сўнг оператор унга буюртма қилинган маҳсулотни Тошкент шаҳридан олиши мумкинлигини айтганлигини, сўнг унинг “Telegram” тармоғига ташлаб берилган локациясига асосан у Тошкент шаҳри Сергели туманига борганлигини, аммо унга ташлаб берилган ва локацияда кўрсатилган манзилдан бирон-бир нарса топа олмаганлигини, кейин операторга боғланиб, унга ҳеч нарса топа олмаганлигини, айтилган манзилда ҳеч нарса йўқлигини айтганлигини, оператор унга 4 кун кутишини, 4 кунда ўзи алоқага чиқишини айтганлигини, орадан 3 кун ўтганидан сўнг, яъни 2024 йил 24 август куни оператор унга хабар жўнатиб, яна 2.000.000 сўм ўтказиб беришини, “героин” гиёҳвандлик воситасини Бухоро шаҳрига бериб юборишини айтганлигини, шунда у “Bitcoin” платформасига 2.000.000 сўмни ўтказиб берганлигини, шундан сўнг оператор Бухоро шаҳрига бориши кераклигини айтганлигини ва у Бухоро шаҳрига бориш учун киракашлик билан шуғулланувчи таниши Шарипов Муроджон билан телефон орқали боғланиб, у билан Бухоро шаҳрига бориб келиш учун 1.300.000 сўмга келишганлигини, 2024 йил 24 август куни кечки вақт Ш.М. билан биргаликда, унинг “Спарк” русумли автомашинасида Бухоро шаҳри томонга қараб йўлга чиққанлигини, 2024 йил 25 август куни, тонги соат 09:00да Бухоро шаҳрига етиб келишганлигини, у йўлда ҳаракатланиб келаётгани ва Бухоро шаҳрига етиб боргани тўғрисида операторга хабар жўнатганлигини, соат 21:30да оператор “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали локация ташлаб бериб, ушбу манзилдан “героин” гиёҳвандлик воситасини олишини айтганлигини ва мазкур модда турган жойни фотосуратларини ташлаб берганлигини, сўнг у кўрсатилган манзилга Ш.М. билан биргаликда машинада борганлигини, Ш.М. кўп қаватли уй олдида, ўзининг автомашинасида қолганлигини, у эса фотосуратда кўрсатилган манзилни қидириш учун машинадан тушиб кетганлигини, у кўп қаватли уйлар орасида бўлган гаражларни олдида фотосуратда кўрсатилган жойни топганлигини, у тахминан 5-10 дақиқа



давомида ён атрофни қидирганлигини, аммо “героин” гиёҳвандлик воситасини топа олмаганини, шундан сўнг асабийлашиб, автомашина олдида борганлигини, уни олдида фуқаролик кийимидаги ИИБ ходимлар келишиб, уни ушлашганини, кейин ундан олдида бўлган нарсаларни чиқаришини сўрашганини, у ИИБ ходимларига ўзининг телефон аппарати, рангсиз пакетда бўлган кукунсимон “Миф” номли моддани, “Миф” номли кукунсимон моддани истеъмол қилишга мўлжалланган 2000 сўмлик пул купюрасини айлана қилиб, тайёрланган қўлбола трубкани тақдим қилганлигини, кейин ходимлар томонидан ён атрофи тўлиқ кўздан кечирилганлигини, улар томонидан локацияда кўрсатилган манзилдан нималар олганини сўрашганида уларга ҳеч нарса топа олмаганлигини билдирганлигини ва уларга бўлган ҳолатни тушунтириб берганлигини, шунда ИИБ ходимларининг ўзи ён атрофни кўздан кечиришиб, скотч ўрамага боғланган гиёҳвандлик моддасини топиб олишганини, у аслида ушбу гиёҳвандлик моддасини олиш учун Бухоро шаҳрига келган бўлиб, ушбу “героин”ни ўз истеъмоли учун буюртма берганлигини, у ушбу “героин”ни ким қўйиб кетганидан хабари йўқлигини, у локация орқали келганини, “героин” гиёҳвандлик воситасини олиш учун Бухоро шаҳрига кетаётганини ҳайдовчи Ш.М. билмаганлигини, унга пластмасса сотиб олишини айтиб, 1.300.000 сўмга йўл кира ҳақи беришга келишганини, гарчанд олинган “героин” гиёҳвандлик воситаси алоҳида-алоҳида ўралган ҳолда бўлса-да, унда ушбу гиёҳвандлик воситасини келгусида бирор-бир кишига ўтказиш мақсади бўлмаганлигини, ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун олганлигини ва у ҳар бир соатда чекиб туришини, чунки у бунга ўрганиб қолиб касал бўлиб қолганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймондагилигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, унга қонуний ёрдам берилишини сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд судланувчи К.Х. ўз айбига қисман иқрорлик билдирган бўлса-да, суд ҳайъати, унинг айби ўзининг суддаги кўрсатуvidан ташқари:

- гувоҳ Ш.М.нинг суддаги К.Х.ни тахминан 3 ойдан буён танишини, Наманган шаҳрида такси хизматини кўрсатишини, 2024 йил 24 август куни кечки соат 20:00да К.Х. унга телефон қилиб, Бухоро шаҳрига бориб келишни сўраганлигини, Бухоро шаҳридан пластмасса олишини айтганлигини, у билан йўл кира учун 1.300.000 сўмга келишганини, 2024 йил 25 август куни эрталаб соат 05:00да у К.Х.нинг буюртмасига кўра у билан биргаликда Бухоро шаҳрига борганлигини, 2024 йил 25 август куни кеч соат 21:00да К.Х. унга пластмасса сотадиган одам келганлигини, локация ташлаб берганлигини, айтилган манзилга боришни сўраганлигини, шундан сўнг К.Х. билан биргаликда у кўрсатган йўналиш бўйича Бухоро шаҳри, “Пиридастгир” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 46/22-уй олдида машинасида боришганини, шу ерга келгандан сўнг К.Х. автомашинадан тушиб кетганлигини, ўзи эса автомашина руль бошқарувида К.Х. қайтиб келишини кутиб турганлигини, шу вақтда ён атроф қоронғи бўлганлиги сабабли К.Х.нинг айнан қаерга кетганини кўрмаганлигини, орадан 10 дақиқа ўтганидан сўнг олдида ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари деб таништирган шахслар К.Х.ни олиб келиб, ундан ким эканини сўрашганида у ўзини уларга ҳайдовчи деб таништирганлигини, К.Х.нинг олдида гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, ўлчаб текшириб кўриш учун олинганлигини, К.Х. Наманган шаҳридан Бухоро



шаҳрига келгунига қадар гиёҳвандлик воситаси ёки шунга ўхшаш бирон-бир нарса истеъмол қилмаганлигини, К.Х. Бухоро шаҳрига аслида нима учун келганини билмаганлигини, у фақатгина ўз автомашинасида К.Х.ни Бухоро шаҳрига олиб бориб қайтиб Наманган шаҳрига келиш учун келишганлигини билдириб берган кўрсатуви;

- гувоҳ Х.А.нинг суддаги 2024 йил 25 август кечки вақт тахминан соат 22.00да ўртоғи О.Н. билан кўчада айланиб юрган вақтида, уларни олдиға фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканлигини айтиб, таништириб, сўнг улар кўчада нотаниш бир шахсни тўхтатиб, ундан шубҳаланганликлари сабабли текширув ўтказмоқчи эканликларини ва уларни шу текшириш ўтказишда холис сифатида иштирок этишларини сўрашганини, шунда у ва дўсти О.Н. бунга рози бўлганлигини, Мустақиллик кўчаси 46/22-уй олдиға боришганини, ўша ерда уларга холис сифатида қатнашиш учун ҳуқуқлари тушунтирилганлигини, К.Х.дан нима сабабдан Бухоро шаҳрига келганлиги сўралганида, К.Х. Намангандан такси машинасида келганлиги, Бухорога келишдан мақсади ўзи Telegram сайтида танишган номаълум кишидан 8.500.000 сўмға сотиб олган гиёҳванд моддасини локация орқали келиб топиб олиш бўлганини билдирганлигини, ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган текшириш давомида К.Х.нинг ёнлари текширилганда унинг шими чўнтагидан трубка қилиб ўралган ҳолдаги бир дона 2000 сўмлик пул купюраси, шими чўнтагидан рангсиз бир дона целлофанға солинган кукунсимон, ўткир хидли модда борлиги аниқланганлигини, бундан ташқари текшириш вақтида К.Х. ўзи ёнидан рангсиз скотч бўлагига ўралган ва очиб кўрганда ичида 10 дона қизил изолента ва рангсиз целлофан бўлакчаларига ўралган кукунсимон оқ рангли моддани чиқариб берганлигини, сўнг ИИБ ходимлари бу моддаларни кичик тарозида ўлчаб кўрганларида бир дона рангсиз целлофандаги порошоксимон модда 0,33 грамм, шунингдек 10 дона қизил изолента ва рангсиз целлофанчалардаги порошоксимон моддалар эса 16,13 граммни ташкил қилганлигини, кейин шу моддалар, 2000 сўмлик трубка қилиб ўралган пулни ҳамда К.Х.да бўлган “VIVO” русумли қўл телефонини конвертға солиниб муҳрланганини, ИИБ ходимлари шу аниқланган моддаларни экспертиза орқали вазни ва таркибини аниқлашни тушунтириб, олинган нарсалар бўйича баённома тузишганини ва улар кўрган ва эшитганини тасдиқлаш учун баённомаға имзо қўйиб, тушунтириш хати ҳам ёзиб берганлигини, К.Х.дан порошоксимон моддани олган жойини кўрсатишини сўрашганида К.Х. уйлар оралиғидан гаражлар томон юриб бориб, гараж яқинидаги тош бўлагини кўрсатиб, шу тош ёнидан, тупроқдан қовлаб топган жойини кўрсатиб берганлигини, ИИБ ходимлари шу ҳолатларни расмға ва видео тасвирға олишганини, ўшанда ИИБ ходимлари томонидан бирор ноқонуний ҳаракат бўлмаганлигини билдириб берган кўрсатуви;

- гувоҳ С.Р.нинг суддаги Бухоро шаҳар ИИО ФМБ ТҚХ ЖҚБ катта тезкор вакили лавозимида хизмат олиб боришини, 2024 йил 25 август куни Бухоро вилоят ва шаҳар ИИБ ЖҚБ ходимлари ҳамда ДХХ Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари иштирокида Бухоро шаҳри ҳудудида тезкор тадбирлар олиб борилганини ва олинган маълумотларға кўра, шу куни ҳамкорликда ўтказилган текширувда кеч соат 22:00да Бухоро шаҳар



Мустақиллик кўчасида янги қурилатган 46/22-уй атрофида К.Х. тўхтатилиб, ундан кимлигини, нима қилиб юргани ҳақида сўралганлигини, икки нафар холислар иштирокида К.Х. текширилганида К.Х. шими чўнтагидан бир дона рангсиз целлофанчада бўлган оқ рангли порошоксимон модда, бир дона 2000 сўмлик пул купюрасидан тахланган, воронка қилинган ва резина белбоғли пул, сўнг кўлида бўлган рангсиз скотч бўлагидаги ўрамни берганлигини, шу рангсиз скотч ўрами ичи очиб кўрилганда унда 10 дона қизил изоленталарда бўлган, ичида рангсиз целлофанчалардаги ўткир ҳидли порошоксимон моддалар борлиги аниқланганлигини, К.Х. номаълум шахсдан интернет тармоғи орқали 8.500.000 сўмга сотиб олиб, локацияси орқали Бухоро шаҳрига келиб, гаражлар олдида тош яқинида кўмиб қўйилган жойидан ушбу гиёҳвандлик воситаларини топиб олганлигини, К.Х. ёнидан аниқланган бир дона рангсиз целлофанчадаги ўткир ҳидли оқ порошоксимон модда электрон тарозида ўлчанганда целлофани билан 0,33 граммни ташкил қилганлигини, бундан ташқари юз қисми рангсиз скотч билан ўралган жами 10 дона қизил рангли изолента ва рангсиз целлофанчаларда бўлган ўткир ҳидли оқ рангли порошоксимон моддалар ўлчанганда жами 16,13 граммни ташкил қилганлигини, ушбу аниқланган моддалар, бир дона трубка қилиб ўралган 2000 сўмлик пул ҳамда бир дона К.Х.ни “VIVO” русумли телефони конвертга солиб муҳрланганлигини, шунингдек воқеа жойи кўздан кечирилиши ҳамда нарсаларни олиш бўйича терговчи томонидан баённома тузилиб, олиб борилган текширув давомида фуқаро К.Х.нинг ёнидан аниқланган 10 дона қизил изолента ва рангсиз целлофанчалардаги моддалар олинган жой кўрсатиб берилиши сўралганда, у холислар иштирокида текширув ўтказилаётган жойдан қурилиши тугалланмаган уй ён томон йўлакчасидан гаражлар томон юриб бориб, гараж яқинидаги тош бўлаги олдини кўрсатиб, скотчда бўлган нарсаларни шу ердан қовлаб, топиб олганини билдирганлигини билдириб берган кўрсатуви;

- воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унинг иловаси (и.в.5-16);

- Бухоро вилоят ИИБ ЭКМнинг 2024 йил 26 августдаги “К.Х.дан олинган тўрт дона пакет ўрамларига жойлаштирилган, оч-сарғиш рангли, ҳар хил катталикдаги бўлакчаларда ва кукунсимон ҳолатдаги модда таркибида фаол гиёҳвандлик моддаси – диацетилморфин мавжудлиги, бу модда – Героин эканлиги, унинг умумий соф оғирлиги 3,17 граммга тенглиги ҳақида”ги 357-сонли кимёвий экспертиза хулосаси (и.в.31-32);

- нарсани (К.Х.дан ҳужжатлаштириб олинган “VIVO” русумли телефон аппаратини) кўздан кечириш баённомаси, ушбу телефон аппаратининг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “GEROizm OPERATOR” номли профили орқали 2024 йил 11 август кунидан 25 август кунига қадар амалга оширилган ёзишмалар ҳамда “BOOST BUY” профили орқали амалга оширилган тўловлар фотосуратлари (и.в.118-139) ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи К.Х.нинг суддаги гарчанд олинган “героин” гиёҳвандлик воситаси алоҳида-алоҳида ўралган ҳолда бўлса-да, унда ушбу гиёҳвандлик воситасини келгусида бирор-бир кишига ўтказиш мақсади бўлмаганлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун олганлиги ва у ҳар бир соатда чекиб туриши, чунки у бунга ўрганиб қолиб,



касал бўлиб қолганлиги ҳақидаги кўрсатувларини муҳокама қилиб, унинг бу кўрсатувлари қуйидаги далиллар билан:

- гувоҳ Ш.М.нинг К.Х. Наманган шаҳридан Бухоро шаҳрига келгунига қадар гиёҳвандлик воситаси ёки шунга ўхшаш бирон-бир нарса истеъмол қилмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

- РСТЭИАМ Бухоро филиали суд кимё бўлимининг 2024 йил 26 августдаги “К.Х.нинг сийдигидан опий ҳосилалари топилмаганлиги, сўлаги ва ювмалари таркибида “каннабиноид” гиёҳвандлик воситалари топилмаганлиги ҳақида”ги 1400-сонли наркологик текшируви хулосаси;

- К.Х.дан ҳужжатлаштириб олинган телефон аппаратининг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги “GEROizm OPERATOR” номли профили орқали 2024 йил 11 август кунидан 25 август кунига қадар амалга оширилган ёзишмалар ҳамда “BOOST BUY” профили орқали қисқа вақт давомида бир неча маротаба турли миқдорда тўлов амалга оширилганлиги ҳолати билан тўлиқ рад қилинади.

Суд ҳайъати, судланувчи К.Х.нинг юқоридаги важларини аҳволини енгиллиштириш ҳамда жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида қилинган ҳаракат деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи К.Х.нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 21-бандининг 4-хатбошида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши;

-25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида судларга раҳбарий кўрсатма берилган.



Иш ҳолатларига кўра, судланувчи К.Х. 4 дона скотч ва целлофан бўлакчаларига алоҳида-алоҳида қадоклаб солинган (жами 11 дона шундан 4 донасининг таркибида гиёҳвандлик воситаси топилган, қолган 7 донасининг таркибида гиёҳвандлик воситаси топилмаган) соф вазни 3,17 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “Героин” гиёҳвандлик воситасини сақлаб келинаётганлиги аниқланган.

Жиноят ишида судланувчи К.Х.дан ҳужжатлаштириб олинган 3,17 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “Героин” гиёҳвандлик воситасини у келгусида айнан кимга ва неча пулга сотмоқчи эканлиги ҳақида бирон-бир далил мавжуд эмас.

Иш бўйича судланувчи К.Х.нинг бирон-бир шахсга гиёҳвандлик воситасини сотганлиги ҳолати аниқланмаган бўлса-да, гиёҳвандлик воситаси алоҳида-алоҳида қадоклаб солинганлиги ҳамда истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, шунингдек ушбу тоифадаги гиёҳвандлик воситасини (“Telegram” ижтимоий тармоғидаги “GEROizm OPERATOR” номли профили орқали 2024 йил 11 август кунидан 25 август кунига қадар амалга оширилган ёзишмалар ҳамда “BOOST BUY” профили орқали қисқа вақт давомида бир неча маротаба турли миқдорда тўлов амалга оширилганлиги ҳолатига кўра) тез-тез сотиб олганлиги, аниқ бирон-бир иш жойига эга бўлмай туриб гиёҳвандлик воситаси сотиб олиш учун анча миқдорда пул топиб берганлиги - судланувчи К.Х.да гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишга қасд мавжудлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, судланувчи К.Х.нинг 3,17 граммга тенг бўлган кўп миқдордаги “Героин” гиёҳвандлик воситасини сақлаб келиши кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд сифатида ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиб бўлмайди.

Шу сабабли, суд ҳайъати, судланувчи К.Х.нинг ҳаракатларини гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишга суиқасд сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,273-моддасининг 5-қисмидан Жиноят кодекси 25,273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Гарчи, судланувчи К.Х. муқаддам жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг 2022 йил 13 декабрь кундаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан жарима жазосига судланган бўлса-да, 2023 йил 25 май куни жиноий жаримани тўлиқ тўлаганлиги, 2024 йил 26 май куни унинг судланганлик ҳолати тугалланганлиги унинг ҳаракатларини ЖК 25, 273-моддасининг 3-қисми “а” банди билан квалификация қилишни истисно қилади.

Суд ҳайъати, судланувчи К.Х.нинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб, айбига қисман иқрор эканлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини, оилавий шароитини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш



амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 37-бандида “Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкин”лиги кўрсатилган.

Суд ҳайъати, судланувчи К.Х.га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқорида қайд қилинган Пленум қарорининг раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, жиноятни очиш учун фаол ёрдам берганлигини, унинг шахсини, ижтимоий аҳволи ва оилавий шароитини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи К.Х.нинг даволанишга муҳтожлиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси ССВ Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят филиалининг 10.09.2024 йилдаги 217-сонли хулосасига кўра, К.Х. гиёҳвандлик касаллигидан тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтожлиги белгиланганлиги сабабли суд Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан жазони ижро этиш муассасасида уни гиёҳвандликдан мажбурий даволанишни белгилашни лозим топади.

Суд ҳайъати, ҳукм қонуний кучга киргач, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган, ҳозирги кунга қадар ДХХ Бухоро вилоят бошқармасида сақланаётган, экспертиза текшируви учун сарфланганидан қолган 3,12 грамм “героин” гиёҳвандлик моддасини йўқ қилишни, К.Х.га тегишли бўлган “VIVO” русумли қўл телефон апаратыни ва бир дона 2.000 сўмлик пулни давлат фойдасига мусодара қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### **Ҳ У К М    Қ И Л Д И:**

К.Х. /К.Х./нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмидан Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинсин.

К.Х. /К.Х./ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,273-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли-колонияларда ўтатирилсин.



Жазони ўташ муддати 2024 йил 26 август кунидан бошлаб ҳисоблансин.  
Судланувчи К.Х.га нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан К.Х.га жазони ижро этиш муассасасида гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш белгилансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган:

- ҳозирги кунга қадар ДХХ Бухоро вилоят бошқармасида сақланаётган, экспертиза текшируви учун сарфланганидан қолган 3,12 грамм “героин” гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинсин;

- К.Х.га тегишли бўлган “VIVO” русумли қўл телефон аппарати ва бир дона 2.000 сўмлик пул давлат фойдасига мусодара қилинсин;

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу суд орқали Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 10 (ўн) сутка муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи** /имзо/ **Ф.Икрамов**

**Халқ маслаҳатчилари** /имзо/ **А.Шодиев**

/имзо/ **Ш.Турдиев**

Нусхаси аслига тўғри: \_\_\_\_\_ **Ф.Икрамов**

